

**ДЕПУТАТЛАР ЎЗГАРИШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДИ** 2

**ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИГА 11 КУН ҚОЛДИ**

**АДАБИЙ ТАНЛОВЛАРНИНГ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ** 5




МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ТАЯНГАН ТАРАҚҚИЁТ!

«Миллий тикланиш» демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

# milliy tiklanish

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган   www.mt.uz / gazeta@mt.uz / mtiklanish@mail.ru

№ 36 (1138) 2021 йил
13 октябрь, чоршанба

ISSN 2010-7714


## Миллий урф-одат ва қадриятларимизга бирламчи эътибор

Ўқитувчилар, устоз-мураббийлар, «Кўмак» гуруҳи аъзолари ҳамда партия фаоллари иштирок этган учрашувда турли соҳа вакиллари сўзга чиқиб, номзоднинг Сайловолди дастури юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

2

## ЎЗБЕК ТИЛИ – ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЎЗЛИГИ

«Тил – миллатнинг улкан бойлиги ва бебаҳо мулкидир», дейилади Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунида. Ҳақиқатан ҳам, ўзбек тили ўзбек халқининг бебаҳо бойлиги, тенгсиз кучга эга бўлган қудратли кучи, тилсимидир.

4



## «ЭЛДОР МЕНИ ЙИҒЛАТДИ, МОУРИНЬОДАН УНИ ҚАТТИҚ УРИШМАСЛИГИНИ СЎРАЙМАН!»

8

# САЙЛОВНИНГ БАРЧА БОСҚИЧЛАРИДА

## ГЕНДЕР ТЕНГЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ



# ЭНДИ ДАВЛАТ ТИЛИДА ЕТКАЗИШ ШАРТ!

**“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасига асосан ишлаб чиқарувчи ҳақида, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари, товар тўғрисидаги ахборотни истеъмолчиларга тўлиқ давлат тилида етказиш шартлиги белгиланмоқда. Бундан ташқари, лойиҳада ваколатли давлат органи ва нодавлат жамоат бирлашмаларининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколат ва ҳуқуқлари кенгайтирилмоқда.**

**Шунингдек, ушбу қонун лойиҳаси товарларни реализация қилиш вақтида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик мақсадида масофадан туриб, ахборот тизимларидан фойдаланишга қаратилган нормалар билан ҳам тўлдирилди.**

**Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда маъқулланди ва Сенатга юборилди.**





# ТАМАКИГА ҚАРШИ ҚОНУН

## ҲАМОН БАҲС-МУНОЗАРАЛАРГА САБАБ БЎЛМОҚДА

5

## Венгрия университети ректори мамлакатимизда

**Инновацион ривожланиш вазири ўринбосари Шаҳло Турдиқулова Венгриянинг Обуда университети ректори Левенте Ковач билан учрашди.**

Учрашув доирасида томонлар илм-фан ва инновацияларни ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилди. Венгриянинг «илмий парк»лар ташкил этиш тажрибаси ҳамда илм-фан, таълим ва саноатнинг интеграциялашув тизими катта қизиқиш уйғотди. Шу билан бирга, Л.Ковач Инновацион ривожланиш вазирлиги вакилларини университетга таклиф қилиб, ўзаро фикр-мулоҳаза ва тажриба алмашиш борасида муҳокама ва тадбирлар ўтказишни таклиф қилди. Маълумот ўрнида таъкидлаш лозимки, Обуда университети Венгриянинг энг йирик университетларидан бири бўлиб, унда 13 минг нафарга яқин талаба таҳсил олади. Университетни муваффақиятли якунлаган битирувчилар халқаро даражада тан олинадиган диплом билан тақдирланади. Университет ўқитувчиларининг 40 фоиздан кўпи илмий унвонга эга малакали педагоглардир.

**Муҳайё ТОШҚОРАЕВА**



# БИЗНИ ЖАҲОЛАТ – ЖАҲЛИ МУРАККАБ

7

2021 йилнинг 13 октябрь санасидан ✓ 1 АҚШ доллари 10684.01. ✓ 1 ЕВРО 12348.58. ✓ 1 Россия рубли 148.59. ✓ 1 Англия фунт стерлинги 14530.25. ✓ 1 Япония иенаси 94.32.





# Депутатлар ўзгаришларни қўллаб-қувватлашди

**«Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг кеча бўлиб ўтган йиғилишида «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси атрофлича кўриб чиқилди.**

Депутатларнинг таъкидлашича, 1995 йилда қабул қилинган Меҳнат кодексида кўплаб ҳаволаки нормалар мавжуд бўлиб, улар кодексдан фойдаланиш жараёнида бир қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ҳужжатда айрим зарур масалаларнинг тартибга солинмагани, жумладан, фуқароларни меҳнат фаолиятига жалб қилишнинг янги турли хил шаклларининг фаол ривожланиши ҳисобга олинмагани ҳам иш берувчи ва ходим ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйишда мураккабликларни келтириб чиқаряпти. Одамларни қўшимча меҳнатга жалб қилишнинг содда шаклларини танлашга имкон берадиган мослашувчан иш режимларидан кенг фойдаланиш учун ҳам кодексда етарли ҳуқуқий шароитлар яратилмаган.

Шунинг учун ҳам янги таҳрирдаги Меҳнат кодексида бандлик, индивидуал меҳнат муносабатлари, ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат низоларини кўриб чиқиш каби нормалар киритилмоқда. Меҳнат шартномасини тузиш билан боғлиқ айрим муносабатлар такомиллаштирилмоқда.

– «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурига устувор вазифа сифатида киритилган таклиф ушбу қонун лойиҳасига «иш режимининг ўзгарувчан вақти» деган норма билан киритилмоқда, – деди фракция аъзоси Жаҳонгир Ширинов. – Яъни, тарбия ва таълим тизими ислоҳотлари самарадорлигини ошириш учун аёлларга муносиб иш шароитини яратиш, болали аёлларга қулай иш вақтини белгилаш ғоясидир.

Депутатлар айрим баҳс-мунозараларга қарамай, Меҳнат кодексининг янги таҳририни иккинчи ўқишда маъқулладилар.

**Равшан МАҲМУДОВ,**
**«Миллий тикланиш» мухбири**

# МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА БИРЛАМЧИ ЭЪТИБОР

**«Миллий тикланиш» демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Алишер Қодировнинг Фарғона вилояти сайловчилари билан учрашуви бўлиб ўтди.**

Тадбирни Фарғона вилояти Кенгаши раиси, номзоднинг вилоятдаги ишончли вакили Хурсаной Исламова кириш сўзи билан очиб, барчани мамлакатимиз сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи жараёнда фаол иштирок этиш ва Бош Қомусимизда белгиланган ҳуқуқларимиздан унумли фойдаланишга чақирди.

Шундан сўнг, номзод Алишер Қодиров сайловчиларни ўз дастуридан ўрин олган ташаббус ва таклифлар билан таништирди.

Номзоднинг таъкидлашича, дастурда асосий эътибор таълим ва тарбия масалаларига қаратилган. Бундан ташқари, иқтисодиётга доир таклифлар, коммунал хизматлар кўрсатишда хусусий тадбиркорларга устуворлик берилиши ҳамда 2026 йилгача капитал амнистия, тадбиркорларга эса солиқ амнистияси эълон қилиниши масалаларигача атрофлича маълумот берди.

«Қадриятларга таянган тараққиёт» шиори асосида тайёрланган дастур таълим-тарбиянинг узлуксизлигини таъминлаш, миллий урф-одатлар ва қадриятларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш каби эзгу мақсадларни ҳам ўз ичига олган.

– Илдизидан юлиб олинган дарахт кўкармагани каби, қадриятлардан йироқда бўлган, унга таянмаган халқ ҳам ривожланмайди, – деди А.Қодиров.

Ўқитувчилар, устоз-мураббийлар, «Кўмак» гуруҳи аъзолари ҳамда партия фаоллари иштирок этган учрашувда турли соҳа вакиллари сўзга чиқиб, номзоднинг Сайловолди дастури юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шу билан «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Президентликка номзод Алишер Қодировнинг Фарғона вилоятига сафари якунланди.

**Муқаддас ШОКИРОВА,**
**партиянинг Фарғона вилояти Кенгаши бош мутахассиси**



Сайлов — 2021

# Сайловнинг барча босқичларида гендер тенглиги таъминланади



**Марказий сайлов комиссияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда 2019-2021 йилларда сайлов жараёнини қўллаб-қувватлаш» қўшма лойиҳасини амалга оширмоқда.**

Ушбу лойиҳа доирасида "Сайлов ва гендер: сиёсат соҳасида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича халқаро ва миллий амалиёт" мавзусидаги семинарларга старт берилди.

Мазкур лойиҳа юзасидан 2021 йилда амалга ошириладиган тадбирлар Президент сайлови кампанияси даврида ҳамкорлик қилишга қаратилган бўлиб, сайлов жараёнининг шаффофлиги ва инклюзивлигини таъминлаш, аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг сайловда фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларига бағишланади.

Ўқув -семинарлар Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари, аёлларни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари хотин-қизларининг сайлов жараёнидаги иштироки борасидаги касбий билим даражасини оширишга қаратилган бўлиб, аёлларнинг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичларида иштирок этиш имкониятларини янада оширади.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси З.Низомхўжаев, Швейцариянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси К.Оболенский, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили М.Димовска, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Г.Маъруфова иштирок этди.

– Ўзбекистонда Президент сайловига тайёргарлик жамиятни демократлаштириш жараёнлари тобора кенгайиб, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги юксалаётган, сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтларининг роли ошиб бораётган, шунингдек, мамлакатимизнинг сайлов тизимини модернизация қилиш ишлари жадаллашган шароитда амалга оширилаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бунинг учун Ўзбекистонда барча ҳуқуқий асослар ва имкониятлар яратилган: умумэътироф этилган асосий халқаро сайлов стандартлари ва нормалари имплементация қилинган миллий сайлов қонунчилиги ҳам, сайловларни ўтказиш борасида кўп йиллик миллий тажриба ҳам, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳам бор, – деди Зайниддин Низомхўжаев.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда гендер тенглик масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бугунги кунга келиб соҳага оид 25 та қонун ҳужжати қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати таркибида Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Республика хотин-қизлар жамоатчилик кенгаши каби янги тузилмаларнинг ташкил этилиши Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқлари, гендер тенглигини таъминлашнинг ягона яхлит механизмига айланди.

Ўзбекистон тарихида илк маротаба миллий парламентда хотин-қизлар сони БМТ томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти хотин-қизлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Бугунги кунда сиёсий партияларда фаолият юритаётган хотин-қизлар улуши 44 фоизга, бошқарув лавозимидаги хотин-қизлар улуши 27 фоизга етди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва гендер тенглигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг давоми сифатида жорий йилда бўлиб ўтган Сенатнинг 15 ялпи мажлисида "Ўзбекистонда 2030 йилга қадар гендер тенгликка эришиш стратегияси" қабул қилинганлиги таъкидланди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш устувор йўналишлардан бири. Стратегияда кўзда тутилган бу борадаги тадбирлардан келиб чиққан ҳолда, Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловнинг барча босқичларида хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг асосда иштирок этишини кузатувчи 11 та индикаторлар ишлаб чиқилди.

Ушбу индикаторлар бу йилги сайлов кампаниясидан бошлаб амалиётга табиқ қилинмоқда. Бугунги кунда индикаторлардан 7 таси бўйича тўлиқ маълумотлар мавжуд.

Ўқув-семинарларга БМТТДнинг халқаро экспертлари жалб қилинган.

**Нурилло НАСРИЕВ, ЎзА**

# ИҚТИСОДИЁТ ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

**Маълумки, кейинги беш йилликда жонажон Ўзбекистонимизда амалга оширилган улкан ўзгаришлар, ўттиз беш миллионли аҳолининг фаровон яшаши йўлида олиб борилган тизимли ислоҳотлар юртимизга нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунё эътиборини қаратди, десак хато бўлмайди.**





Энг нуфузли халқаро анжуманларда эътироф этилган ғоя ва ташаббусларимиз эса мамлакатимизнинг янгиланган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий сиёсати моҳиятини ҳам намоён этмоқда.

Мамлакатимизда биринчи марта камбағал қатлам мавжуд экани, минг-минглаб ватандошларимиз хорижий мамлакатларда меҳнат қилаётгани тан олиниб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қаерда бўлса ҳам Ўзбекистон ўз фуқароларини муҳофаза этиши шартлиги қатъий сиёсатга айланди. Бу, шубҳасиз, кейинги йилларда қўлга киритилган энг муҳим натижаларимиздан биридир.

Албатта, миллий иқтисодиёт ривожида ўрта қатлам, дея аталаётган маҳаллий тадбиркорлар, хусусий бизнеснинг роли беқиёс. Шунинг учун ҳам юртимизда тадбиркорлар қатлами ҳар томонлама қўллаб-қувватланяпти, уларга ўзига хос имтиёз ва преференциялар берилмоқда.

«Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам ана шу қатлам учун кенг имкониятлар яратиш, уларнинг ҳар қандай хатти-ҳаракатларини таъминлаб берувчи ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўшиб келяпти.

Тадбиркорлар ҳақида гап кетганда, айни пайтда улар томонидан жами ишловчи аҳолининг 75 фоизи қамраб олингани, пандемияга қарамасдан, тадбиркорлик тузилмалари учун яратиб берилган шароитлар сабаб ялпи ички маҳсулотда хусусий секторнинг улуши мунтасил ошиб бораётгани қувонарли, албатта.

> Буюк Британияда ҚҚС 1973 йилда жорий этилган бўлсада, шу давр мобайнида китоблар ушбу солиқ турига умуман тортилмаган.

Шуни эътиборга олиб, партиямиздан Ўзбекистон Президентлигига номзоди кўрсатилган Алишер Қодировнинг Сайловолди дастурида миллий иқтисодиётимизда қўлланилаётган инновацион янгиланишларни қўллаб-қувватлаган ҳолда, давлат иштирокини янада камайтириш ва беш йиллик давлат инновацион дастурини қабул қилиш таклифи илгари суриляпти. Бунда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасини хусусийлаштириш, бу соҳада хусусий тадбиркорларга кўпроқ устуворлик бериш кўзда тутилган.

Айни пайтда Ўзбекистонда тараққиётга эришиш учун билим олиш, изланиш, айниқса, ёш авлод вакилларининг ўз устида тинимсиз ишлаши кераклиги бежиз таъкидланаётгани йўқ. Чунки глобаллашиб бораётган дунёда энг катта хавф, биринчи навбатда, иқтисодиётда ўзини кўрсатяпти. Камбағалликка қарши курашда маълум бир натижаларга эришиш учун ҳам аҳоли, айниқса ёшларнинг билимли, маълум бир касб-ҳунар эгаси бўлиши талаб этилади. Шундай экан, асосий эътибор кадрлар малакасини оширишга қаратилаётгани келажакдаги ютуқларимиз гарови бўлади, албатта.

Миллий иқтисодимиз ва унинг устуни бўлган тадбиркорлар ҳақида гап кетганда кейинги йилларда ушбу соҳада олиб борилган ишларни қўллаб-қувватлаш баробарида солиқ амнистияси ва капитал амнистиясини эълон қилиш таклифини илгари суряпмиз. Бу бир пайтлар билиб-билмай солиқ қонунчилигини бузган ва шу кунгача ҳам ушбу масалада маълум бир муаммолардан қутила олмаётган тадбиркор юртдошларимизнинг янгитдан иш бошлашларига имкон беради, деб ҳисоблаймиз.

Капитал амнистияси эса дунёнинг турли нуқталарида яшаётган ва Янги Ўзбекистон тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиши мумкин бўлган миллатдошларимизнинг мамлакатимизга сармоя киритишларига йўл очган бўларди. Маълумки, партиямизнинг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида бир қатор долзарб масалалар қаторида оммавий ахборот воситалари, айниқса, босма нашрларнинг эркин рақобат муҳитида самарали фаолият юритиши учун давлат томонидан ташкилий ҳуқуқий шароитларни яратиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган эди. Шунинг учун ҳам биз Ўзбекистон Республикасида китоб маҳсулотларига жорий этилган қўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) мутахассислар, соҳа вакиллари иштирокида кенг муҳокама қилиб, хориж тажрибаларини ўрганган ҳолда бир қатор таклифлар тайёрладик.

Маълумки, 2017 йили Ўзбекистон Президенти томонидан қабул қилинган иккита муҳим ҳужжат китобхонлар ваноширлик билан шуғулланувчи юртдошларимизни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиш ҳамда «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарор ушбу соҳада ҳам туб ислоҳотларни бошлаб берди, дейиш мумкин.

Ушбу қарорлардан кейин соҳага, энг муҳими, китобга бўлган муносабат ўзгарди. Айниқса, «Бешта муҳим ташаббус» доирасида «Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш» йўналишида салмоқли натижаларга эришилди. Хусусан:

– мактаб ўқувчилари ва ёш оилаларни қамраб олган анъанавий «Ёш китобхон» ва «Ёш китобхон оила» республика танловлари йўлга қўйилди;

– 2019 йилнинг октябрь ойидан бошлаб, ҳар йили «Tashkent Book Fest» халқаро китоб кўргазма-ярмаркаси ўтказила бошланди;

– маҳаллий бюджетнинг 7 миллиард сўмдан ортиқ маблағи ҳисобига 1 миллион нусхадан иборат китоб маҳсулотлари мактаб кутубхоналари ва бошқа идоравий кутубхоналарга етказиб берилди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2017 йилгача ўқув адабиётларидан ташқари китоб маҳсулотларининг улуши 25 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 40-45 фоизга етди.

Айни пайтда фаолият юритаётган нашриётлар сони 200 дан ошган. 47 та нашриётда давлат улуши бўлса, 2016 йилга нисбатан бу йилда хусусий нашриётлар сони 288 фоизга ўсган (беш йилда ҳар йили ўртача 55 фоиздан).

Ҳозир жами нашриёт-матбаа корхоналарининг китоб маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуввати 273,6 миллион нусхага етган. Маҳсулотлар орасида қаттиқ муқовали китоблар 30,1 миллионни (11 фоиз) ташкил этяпти.

Аммо шундай кенг имтиёз ва имкониятлар яратилганига қарамасдан, бозор талаблари асосида қоғоз ва матбаа хомашёлари баҳосининг ошиб бориши натижасида соҳада қатор муаммолар кўзга ташлана бошлади.

Афсуски, айни пайтда орамизда китоб ҳам товар, унга ҳам барча товарлар ва хизматлар қатори ҚҚС қўлланилиши ва иқтисодиётимизга фойда келтириши керак, дегувчилар ҳам йўқ эмас. Лекин шуни унутмаслигимиз зарурки, китобнинг бошқа ҳар қандай товардан ижтимоий аҳамияти юқори. Жамиятни тарбияли, маънавиятли, зиёли, иқтисодиётни эса кучли қиладиган ҳам айнан билимдир.

Халқаро Нашриётлар ассоциацияси (The International Publishers Association) ҳамда Европа Нашриётлар Федерацияси (Federation of European Publishers) томонидан 79 давлатда китобларга ҚҚС жорий этиш масаласи ўрганилганда 31 давлатда ҚҚС умуман қўлланилмаслиги ва яна 30 дан ортиқ давлатда китоблар учун махсус жорий этилган ҚҚС ставкаси амалдаги ставкалардан кам экани, 17 давлатда эса китоблар учун ҚҚС ставкаси амалдаги ставкалар билан бир хиллиги маълум бўлди.

Шуни қайд этиш жоизки, сўров ўтказилган 79 давлатда китоблар учун жорий этилган ўртача ҚҚС 5,75 фоизни, электрон китоблар учун 12,25 фоизни ташкил этар экан. Бутун дунёда рақамли иқтисодиёт оммалашаётган бир пайтда кўплаб давлатларда электрон китоблар учун жорий этилган юқори ҚҚС фоизлари қайта кўриб чиқилаётгани бежиз эмас.

Эътибор беринг: Буюк Британияда ҚҚС 1973 йилда жорий этилган бўлсада, шу давр мобайнида китоблар ушбу солиқ турига умуман тортилмаган. Жанубий Корея, Ҳиндистон, Норвегия, Саудия Арабистони, Қатар ва бошқа давлатларнинг бугунги иқтисодий муваффақиятларида, илм-фаннинг равнақ топишида ҳам айнан китоб савдосининг давлат томонидан рағбатлантирилиши муҳим ўрин эгаллаган, десак хато бўлмайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, Янги Ўзбекистонда ушбу соҳада олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш учун ҚҚС масаласини яна бир бор ўйлаб кўришимиз керак.

Зеро, китобхонликни, мутолаани кенг тарғиб қилиш орқали тарбия ва таълимга янада кўпроқ эътибор қаратишимиз бугунги куннинг асосий талабларидандир.

**Дониёр ТОШБОЕВ,**
**«Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши бўлим бошлиғи**

**Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан номзод Алишер Қодировга овоз беринг!**

Викторина

## Талаба–ёшлар сайловга оид билимини бойитди

**Андижон Қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида талабалар ўртасида "Сайлов – 2021" викторинаси бўлиб ўтди.**

Маълумки, шу йил 24 октябрь куни мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Айни кунда сайловга тайёргарлик жараёнлари қизғин давом этмоқда, мазкур сиёсий жараёнга бағишланган турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Викторинада талаба-ёшларнинг сайлов қонунчилиги, номзодлар, уларнинг Сайловолди дастурлари ҳақидаги билимлари синовдан ўтказилди.

– Мазкур викторина – интерактив ўйин ёшларнинг сиёсий қарашларини кенгайтириш, сайлов борасидаги билим ва тушунчаларини бойитиш, қолаверса, уларнинг фаол ва ташаббускорлигини ошириш мақсадида ташкил этилди, – дейди институт ёшлар етакчиси Орифжон Абдуллаев.

– Унда ҳар бир факультетдан 1- 4-босқич талабаларидан тузилган жамоалари сайлов борасидаги билимларини синовдан ўтказди.

Қизиқарли савол-жавоблар, айниқса, сайловда илк маротаба иштирок этаётган ёшларнинг тадбирда бевосита қатнашаётгани викторинани янада қизиқарли ўтишини таъминлади.

Викторина ғолиблари ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара асарларидан жамланган адабиётлар тўплами билан тақдирланди.

ЎзА



# 21 ОКТЯБРЬ – ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАН КУН

Чоршанба
13 октябрь, 2021
№ 36 (1138)

## ЎЗБЕК ТИЛИ – ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ЎЗЛИГИ




**«Тил – миллатнинг улкан бойлиги ва бебаҳо мулкидир», дейилади Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунида. Ҳақиқатан ҳам, ўзбек тили ўзбек халқининг бебаҳо бойлиги, тенгсиз кучга эга бўлган қудратли кучи, тилсимидир.**

Оламнинг гултожи бўлган инсонга туҳфа қилинган тил улуғ неъмат ҳисобланади. Филология фанлари доктори, профессор Низомиддин Маҳмудов таъкидлаганидек, «Одамни, оламни ва Аллоҳни танимоқдай машаққатли, шарафли йўлнинг аввал-охир чароғбони шу тилдир. Дунёда ўзининг кимлигини англаш, қавмининг ҳамияти ва ҳурлигини кўриш туйғуси ҳам, аввало, тил туфайли пойдордир. Она тилининг инсон ва ақлий ва маънавий-руҳий дунёсининг таянчи эканлигидан иборат ҳақиқатни ҳуши ўзида бўлган одамларнинг барчаси эътироф этади».

Ҳар қандай миллий тил воситасида шу тилда сўзловчи халқнинг эстетик, ахлоқий-бадиий ва фалсафий, диний-этнографик, тарихий ва ижтимоий, мафкуравий ва маънавий қарашлари, улар ҳақидаги тушунчалар, тасаввурлар, категориялар, мушоҳадалар ифода этилади. Шу боисдан лисон буюк меросни авлоддан авлодга олиб ўтувчи, уни асровчи ва сақловчи маънавий қуролга, хазинага айланади. Бинобарин, тилни шунчаки алоқа қуроли, деб билиш ва баҳолаш мантиққа мутлақо тўғри эмас.

Ўзбек тили – ўзбек халқининг миллий тили. Унда ўзбек халқининг ўзлиги, табиати, сажияси, савияси, тафаккур тарзи ўз тажассумини топар экан, демак, мазкур тилни асраб-авайлаш, унинг нуфузини, обрў-мавқеини кўтариш шу тилда сўзловчи ҳар бир шахснинг ижтимоий бурчи ва ҳуқуқидир.

Аждодларимиз биз авлодларга ўзининг барча қадимий маънавий бойликлари билан бир қаторда ўзбек тилини ҳам кўҳна тарих қаъридан ҳозирга қадар авайлаб, сақлаб, асраб келган экан, биз ҳам келажакка тилимизни бутунлигича етказиш зиммамиздаги қарздир. Боиси «Она тилимиз – ўзбек тили ўзида халқнинг қадриятлари, миллий тафаккури, тарихи, руҳияти, маънавий дунёси, ўзига хос урф-одатларини инъикос этувчи ноёб бир ҳодиса, буюк бир неъматдир. Лисон, деб аталган ҳудудда макон топган ноёб сўз жавоҳирларини, унинг бетакрор хусусиятларини келгуси авлодларга безавол етказишдек шарафли вазифани адо этиш» (Дурдона Худойберганова) ҳар бир даврнинг муҳим масаласи ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, халқимиз ўзбек тилига, ўзбек адабий тилини янада ривожлантиришга, унинг қонуний ҳуқуқларини тиклашга катта эътибор берди. 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши мана шу улуғ ишнинг дебочаси бўлди. Ҳозирда давлат тилининг нуфузини оширишга доир бир қанча қарорлар, давлат дастурлари қабул қилинди ва улар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Мана шундай улкан ишлардан бири 21 октябрнинг «Ўзбек тили байрами куни» сифатида белгиланиши бўлди. Бу ҳақидаги Қонун 2020 йилнинг 10 апрель кунидан кучга кирган. «Ўзбек тили байрами куни»нинг нишонланиши ўзини ўзбек миллати ва халқининг вакили, деб билган юртдошларимиз қалбида чексиз ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотди.

Доим ўзбек тили нуфузи ва обрўсини янада ошириш, ўз она тилига меҳр-муҳаббатини амалий фаолиятда намоён этиш ҳар бир ўзбек фарзандининг мақсади, муҳим вазифаси бўлиши зарур. Ҳар биримиз:

*«Ўз юртида эркин бўлсин элим дедим,*
*Юрагимда унган гулим – тилим дедим...» –*
(Маҳмуд Тоир)

деган орзу билан яшамоғимиз зарур.

Халқни олий мақсад атрофида бирлаштириш, жипслаштиришни адо этишда она тилининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Она тилимиз орқали халқимиз тарбияланади. Демак, ўз-ўзидан, тил халқни тарбиялашнинг ҳам қуролидир.

«Тупроғида олтин гуллайдиган, қишларида баҳор шивирлайдиган, тоғ деса тоғи бор, боғ деса боғи бор, ҳар тонгда булбуллар мадҳини ўқиб тамом қилолмайдиган» (Ойбек) Ўзбекистонда яшаяпмизми, унинг ҳар бир рамзини, жумладан, тилини ҳам қадрламоғимиз, эъзозламоғимиз даркор.

Маданий-маънавий ишлар, иш юритиш, расмий ва норасмий йиғинлар, илмий анжуманлар давлат тили – ўзбек тилида олиб бориладиган бўлса, ўзбек тилининг радио ва телевидение, тарғибот, нашр ишлари, почта, телеграф тизими, илмий-техникавий соҳалар, молия ва савдо жабҳаларидаги мавқеи янада тикланса, нур устига нур бўларди.

Эркин, мустақил фикрлайдиган шахсни тарбиялаш давлат сиёсати даражасидаги вазифа сифатида эътироф этилаётган ҳозирги кунда нутқ маданиятининг аҳамияти жуда катта. Зеро, таълим ва тарбия беришда асосий восита тил саналади. Нутқ маданиятини ўстириш фақат филология соҳасидаги таълимий-тарбиявий иш бўлмасдан, ғоявий-сиёсий, маърифий ишларнинг ҳам энг муҳим томонларидан бирини ташкил этади. Ҳар бир инсон учун ўз миллий тилини ўрганиш ҳаётий эҳтиёждир. Маълумки, ҳар бир шахсда нутқ маданиятининг юксалиши миллий тил сирларини ўрганиш, адабий тил меъёрларига риоя қилган ҳолда тўғри гапириш ва ёзиш, тилнинг лексик ва грамматик бирликларидан ўринли ва мақсадга мувофиқ тарзда фойдалана олиш омилларига боғлиқ.

Ўзбек тилининг меъёрлари мукаммал шакллантирилганлиги ўзбек халқи маданиятининг улкан ютуғидир. Мазкур тилни юксак даражада асраб-авайлаш мақсадга мувофиқ. Миллатимизнинг миллатлигини кўрсатувчи равон тилимизнинг бугуни ва эртаси учун ҳар биримиз масъулмиз. Тилнинг ривожини таъминлаш эса, аввало, жамиятда тил ҳақидаги тушунчаларнинг барқарорлигига, тил эгаларининг бебаҳо бойликка бўлган ҳурмат-эҳтиромига боғлиқ.

**Зоҳида МУҚИМОВА,**
**ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими, филология фанлари бўйича фалсафа доктори**

## ТИЛ – МИЛЛАТ ҒУРУРИ



***Минг йиллар ким булбул каломи,***
***Ўзгармайди, яхлит ҳамиша.***
***Аммо шўрлик тўтининг ҳоли,***
***Ўзгаларга тақлид ҳамиша...***

Шоир айтганидек, ўз сайроғига эга бўлмаган тўтининг иши доимо ўзгаларга тақлид қилиш бўлади. Шукрки, ўз тилига эга халқмиз. Она тилимизда эмин-эркин сўзлаша оламиз. Бугун ўзбек тилига бўлган эътибор кундан-кунга ортяпти. Биргина давлат ҳужжатларининг ўзбек тили ва лотин ёзувида юритилиши қонун билан белгилаб қўйилгани ҳар биримизга ғурур бағишлайди.

Шубҳасиз, тил ҳар қандай миллат учун бебаҳо неъматдир. У орқали миллатлар бир-биридан фарқланиб туради. Барча халқлар каби она тилимиз ҳам фахримизга айланган. Халқимиз ҳар қандай зулм ва зўравонликларга қарамасдан, ўз миллий ғурури бўлган она тилини сақлаб, ривожлантириб келмоқда. Собиқ иттифоқ даврида она тилимизга бўлган беписандликка қарамай, халқимиз ўз миллий тилини асради. 1989 йил 21 октябрь куни қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, ўзбек тили Давлат тили мақомига эга бўлди.

Ўтган йиллар давомида она тилимизни эъзозлаш, унинг бошқа тиллар қаторидаги нуфузини ошириш, ривожлантириш ва асраб-авайлаш борасидаги ишлар жадал суръатларда давом эттирилмоқда.

Бу ишларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тилини ривожлантириш департаментининг ташкил этилиши ўзбек тили нуфузини янада ошириш, Давлат тили билан боғлиқ қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, соҳага оид муаммоларни таҳлил этиб, уларни ижобий ҳал этиш жараёнларида ягона давлат сиёсатини амалга оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, Президентимизнинг 2020 йил 23 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида биринчи марта ўзбек тилида нутқ сўзлагани она тилимизнинг нуфузи ва мавқеини янада оширди. Халқаро ҳамжамият томонидан «Навоий тили» деб эътироф этиладиган она тилимизнинг жаҳонда юксак шарафланиши муҳим тарихий воқелик, албатта. Бу эса ҳар биримизнинг қалбимизни ғурурга тўлдиради.

Бугун «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган эзгу ғоя асосида катта марраларни кўзлаган эканмиз, халқимиз, айниқса, келажагимиз бўлган ёш авлод шоир айтганидек, «тўтидек» ўзгаларга тақлид қилиб эмас, аксинча, ўз куйига эга булбулдек ўз она тилида баралла сўзлай олсин! Зеро, миллатимиз ғурури ва руҳи ўзбек тилидадир.

**Ўрозали МАМИРОВ,**
**Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этишни таъминлаш масалалари бўйича Янгийўл шаҳар ҳокими маслаҳатчиси**

## «KIWIE 2021» халқаро кўргазмаси ихтирочи аёлларга қанот бўлмоқда

**Шу йил Жанубий Кореяда ўтказилган “Корея халқаро ихтирочи аёллар кўргазмаси – KIWIE 2021” халқаро кўргазмасида 30дан зиёд давлат қаторида Ўзбекистон вакилалари ҳам иштирок этди. “Ўзбекистон Ихтирочи аёллар маркази” томонидан 11 нафар олима аёлнинг ихтиролари мазкур халқаро кўргазмага тақдим этилган эди. Ушбу халқаро кўргазмада иштирок этган юртимиз хотин-қизлари қатор совринли натижаларни қўлга киритган эди.**

Жумладан, Наманган муҳандислик-қурилиш институти доценти Озода Абдуллаева ҳам ўзининг дастурий комплекс ишланмаси билан қатнашиб, бронза медалига сазовор бўлди. Бу ҳақда батафсил маълумот олиш учун Озода Абдуллаеванинг ўзи билан боғландик.

– “Корея халқаро ихтирочи аёллар кўргазмаси – KIWIE 2021” халқаро кўргазмасида ихтирочи хотин-қизлар техника, технология, тиббиёт, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, енгил саноат, кимё ва саноатнинг турли йўналишлари бўйича ўз ихтиролари ҳамда инновацион ишланмалари билан қатнашди. Биз ҳам “Техник олий таълим муассасалари магистрларининг ахборот бошқарув компитенцияларини ривожлантириш” номли дастурий комплекс тайёрладик ва “Ўзбекистон Ихтирочи аёллар маркази” томонидан танловга юборилди. Ушбу ихтиромиз танлов экспертлари томонидан юқори баҳоланиб, бронза медалига муносиб топилди.

Ихтиромизнинг моҳияти ҳақида тўхталадиган бўлсам, тақдим этилган дастурий комплекс таркибига уч ўлчовли моделлар, аудио, видео, анимацион материаллар, электрон таълим платформасининг модели, алгоритмлари каби контентлар киритилган. Ишлаб чиқилган электрон портал модулларининг функционал тузилмаси эса мақсадли, мазмунли, технологик, инструментал, назорат қилиш, тартибга солиш, баҳоловчи ва натижавий каби таркибий қисмларни ўз ичига олади.

Ишланманинг имкониятларидан бири электрон портал яратишнинг дастурий алгоритм комплекси қулай интерфейс ва маълумотларни визуал воситалар ёрдамида ихтиёрий мураккабликдаги функционалликни яратади.

Замонавий портал ахборот бошқарув фаолиятини директор сервис таъминлайдиган кенг функционал каталог хизматига эга. Дастурий порталнинг яна бир афзаллиги “sign on” рўйхатдан ўтиш технологияси туфайли портал бир вақтнинг ўзида маълум бир фойдаланувчи ўз ишида талаб қилинадиган турли хил иловаларга киришини таъминлай олади.

Ушбу портал техник олий ўқув юртларида ўқув жараёни самарадорлигини оширишга, ўқитишдаги муаммоларни бартараф этишда замонавий электрон ўқув ресурслари дидактик таъминоти яратилишига хизмат қилади.



**Муҳтарама КОМИЛОВА**
**ёзиб олди.**

Улар жамоат жойларида чекиш жойларини ташкил қилишга тааллуқли. Гап шундаки, иккиламчи тамаки тутуни жамоат жойларида, шу жумладан, иш жойларида, барлар, ресторанлар, меҳмонхоналар ва аэропортларда ҳаво ифлосланишининг асосий манбаидир. Тамаки тутунида 4000 дан ортиқ кимёвий моддалар бор, улардан камида 250 таси зарарли, 50 таси эса канцерогенлардир. Иккиламчи тамаки тутуни ўпка саратони, юрак касалликлари, инсульт, болаларда тўсатдан ўлимни келтириб чиқариши мумкин.



# ТАМАКИГА ҚАРШИ ҚОНУН

## ҲАМОН БАҲС-МУНОЗАРАЛАРГА САБАБ БЎЛМОҚДА

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳар йили иккиламчи тамаки тутунидан нафас олиш бутун дунёда тахминан 600 000 нафар инсоннинг бевақт ўлимига сабаб бўлади, уларнинг 31 фоизи болаларга ва 64 фоизи аёлларга тўғри келади. ЖССТ маълумотларига кўра, 43,9 фоиз болалар уй шароитларида, 55,8 фоизи эса жамоат жойларида тамаки тутуни таъсири остида бўлади. Иккиламчи тамаки тутунидан мунтазам нафас оладиган 5 ёшга тўлмаган 165 минг нафар бола ҳаётдан кўз юмади. Катта ёшгача етганларида эса сурункали обструктив ўпка касаллиги ривожланиши эҳтимоли ошади.

**Янги Зеландияда тамакига қарши комплекс қонун қабул қилинганидан кейин бир йил ўтгач, чет эллик туристлар сони 1,5 фоизга, уларнинг харажатлари эса 3,3 фоизга ошди.**

Дарвоқе, чекувчилар оиласида яшовчи ўсмирларнинг кашандага айланиш эҳтимоли ота-онаси чекмайдиганларга нисбатан 1,5-2 баравар юқоридир.

Махсус чекиш жойларини ташкил қилиш орқали чекувчилар учун шарт-шароитлар яратилади ва бошқа фуқароларнинг иккиламчи тамаки тутунидан ҳимоя қилинади.

Шундай бўлса-да, жамоатчиликни иккиламчи тамаки тутунининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилишнинг ягона йўли – бу чекишни тақиқлаш ҳақида қонун қабул қилиш!

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Тамакига қарши курашиш бўйича Ҳадли конвенцияси 8-моддасининг талабларига мувофиқ, ҳар бир давлат тамаки тутунидан 100 фоиз ҳоли бўлган муҳитни таъминлаши лозим. Ўзбекистон Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Тамакига қарши курашиш бўйича Ҳадли конвенциясига 2012 йил 24 апрелда қўшилди.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, чекишни чеклашга қаратилган комплекс қонунлар камида 60 та мамлакатда, шу жумладан, даромади даражаси паст ва ўрта мамлакатларда қабул қилинди.

Арманистонда жамоат жойларида чекиш умуман тақиқланган. Грузия, Молдова, Тожикистон, Украинада аксарият ёпиқ жамоат жойларида чекиш мумкин эмас. АҚШ, Аргентина, Австралия, Бразилия, Буюк Британия, Хитой, Канада, Туркия ва кўплаб бошқа мамлакатларда умумий овқатланиш корхоналари (қаҳвахоналар, ресторанлар, барлар ва ҳ.к.)нинг ёпиқ хоналарида чекиш тақиқланган.

Қайд этилишича, агар хоналарда чекиш бутунлай тақиқланса, бу истеъмол қилинадиган сигареталар сонини 15 фоизга камайтиради ҳамда чекишни ташлашга муваффақиятли уринишлар сонини 80 фоизга оширади. Чекиш хоналарини ёпиқ жойларда ташкил қилиш, тамаки истеъмолининг камайишига олиб келмайди.

Тамаки саноати одамларни иккиламчи тамаки тутунидан ҳимоя қиладиган чора-тадбирларга тўсқинлик қилиб келмоқда, чекувчиларнинг «манфаатларини ҳисобга оладиган» ташаббусларни илгари сурмоқда. Бундай ташаббуслардан биттаси – чекишни қисман тақиқлаш тўғрисидаги қонунлар.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Саратонни ўрганиш бўйича агентлигининг маълумотларига кўра, чекувчилар учун махсус жойларни ажратиш соғлиқ учун хавф-хатарларни бартараф этмайди. Чунки тамаки тутуни чекувчиларнинг «махсус ҳудудлари»дан чекмайдиганлар ҳудудларига бемалол тарқалади.

Тамаки ишлаб чиқарувчилар жамоат жойлари ва меҳмонхоналарда ҳаво вентиляцияси ва фильтрлаш тизимларидан фойдаланишни ҳам худди шундай мақсадларда илгари сурмоқда, зеро, ҳаво вентиляцияси ва ҳавони фильтрлаш иккиламчи тутунни йўқотиш учун самарасиздир. Вентиляция тизимлари тамаки тутунини йўқотмайди ва унинг таъсиридан тўлиқ ҳимоя қилмайди. Боз устига, тамаки тутуни таркибидаги никотин ва токсик моддалар девор, мебель юзалари, гилам, пардаларга ўтириб қолади ва сигарета ўчирилгандан кейин ҳам сақланади.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, жамоат жойларида чекишни тақиқлаш бўйича комплекс қонунлар иқтисодий жиҳатдан ҳам фойдалидир.

Иккиламчи тамаки тутуни таъсирида бўлиш соғлиқни сақлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш харажатларини ошириб юборади, меҳнат унумдорлигини камайтиради ва чиқимларни кўпайтиради.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти таъкидлашича, жамоат ва иш жойларида чекишни тақиқловчи қонунлар «салбий иқтисодий оқибатларга олиб келмайди», аксинча, бизнесга ижобий таъсир ўтказади.



2017 йилда Европанинг 19 та давлатида ўтказилган тадқиқотлар натижасида тамакига қарши қаратилган қонунлар ресторан, бар ва қаҳвахоналардаги сотувлар ҳажми, тушум, фойда ва бандлик каби кўрсаткичларга бундай қонунлар қабул қилинмаган мамлакатдаги худди шундай муассасадагига нисбатан жиддий салбий таъсир кўрсатмаслиги аниқланди. Янги Зеландияда тамакига қарши комплекс қонун қабул қилинганидан кейин бир йил ўтгач, чет эллик туристлар сони 1,5 фоизга, уларнинг харажатлари эса 3,3 фоизга ошди. Худди шундай вазият Аргентина, Ирландия, Норвегия, Мексика, Кипрда ҳам кузатилди.

Иккиламчи тутун таъсирининг хавфсиз даражаси бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассисларининг фикрича, чекиш учун жойларни ташкил қилиш (хоналар, бинолар ичида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш учун алоҳида жойлар ажратиш) мамлакатимиз Конституциясига (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасига (Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир), шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига (Фуқаролар қулай яшаш муҳити ҳуқуқига эга) зид, яъни фуқаролар тоза ҳаводан нафас олиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, махсус чекиш учун жойларни ташкил этиш Давлат бюджетидан қўшимча маблағни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 841-сонли қарорида юқумли бўлмаган касалликлардан барвақт ўлимни 2030 йилгача 25 фоизга қисқартириш кўзда тутилган.

Фақат чекишни тақиқлаш тўғрисидаги комплекс қонунлар ҳамма учун тоза ҳавони кафолатлайди, ходимлар ва чекмайдиганларнинг соғлиғини ҳимоя қилади ва чекувчиларни чекишдан воз кечишга рағбатлантиради.

Аҳоли ва келажак авлод соғлиғини сақлаш учун 100 фоиз тамаки тутунидан ҳоли бўлган муҳит зарур!

**«Ибн Сино» жамоатчилик фонди материаллари асосида О.Харченко тайёрлади.**

## Адабий танловларнинг ғолиблари тақдирланди



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларида “Абдулла Орипов издошлари”, «Ўткир Ҳошимов асарлари билимдони” кўрик-танловларининг туман-шаҳар, вилоят ва Республика босқичларини ташкил этиш белгиланган эди.**

Шу муносабат билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Халқ таълими вазирлиги, Президент таълим муассасалари агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда кўрик-танловларнинг туман ва шаҳар, вилоят босқичларини ўтказди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ахборот хизмати маълумотига кўра, 2021 йил апрель ойида Республикамиздаги 206 та туман ва шаҳарда танловларнинг биринчи босқичи ўтказилди. Мамлакатимиздаги 9000 га яқин мактаб мазкур танловларга жалб этилди.

Танловнинг вилоят босқичига ҳар бир туман ва шаҳардан 2 нафар ғолиб йўл олишди.

Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиддин Саййид ва бошқалар мамлакатимизда миллий адабиётимизни равнақ топтириш, китобхонлик ривожига алоҳида рағбат ва эътибор кўрсатиш, устоз ёзувчи ва шоирларнинг ижодини мукаммал ўрганиш масаласи доимий эътиборда эканини таъкидлади.

Мазкур танловда юртимиз ўқувчи-ёшлари ғоят фаол қатнашгани уларнинг китобга, адабиётимизга бўлган эътибори , меҳри ва ихлоси тобора ортиб бораётганининг яна бир амалий ифодасидир.

Танлов жараёнида атоқли адиблар номи билан аталувчи ижод мактабларидан ҳам вилоят босқичига бир нафардан иштирокчи йўлланмани қўлга киритди.

Танловнинг вилоят босқичи май ойининг иккинчи ярмида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда бўлиб ўтди. “Абдулла Орипов издошлари” кўрик-танлови бўйича бир нафар, “Ўткир Ҳошимов асарлари билимдони” кўрик-танлови бўйича бир нафар, атоқли адиблар номи билан аталувчи ижод мактабларидан ҳам худди шундай икки нафардан, жами Республика босқичига 46 нафар иштирокчи етиб келди.

Танловларнинг республика босқичи ҳам адабиёт, шеърият, нафосат байрами тарзида бўлиб ўтди.

Мазкур танловнинг республика босқичи иштирокчиларини саралаш учун танлов комиссияси томонидан викторина саволлари тўпланиб, шу орқали иштирокчиларнинг билимлари синовдан ўтказилди. Фахрли ўрин соҳибларига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг қимматбаҳо совғалари ва дипломлар топширилди. Танлов иштирокчиларининг барчасига уюшма томонидан чоп этилган китоблар жамланмаси тақдим этилди. Аслида бу танловда иштирок этган барча ўқувчилар ғолибдир. Негаки, улар ўз билими, иқтидори, изланишини адабий жамоатчиликка намойиш этишга, ўз устида янада кўпроқ ишлаш ва изланишга астойдил аҳд қилгани диққатга сазовордир.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА**

ОБУНА – 2022

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БОШЛАНДИ!

Обуна индекси 158

Ҳудудларда

## ЎЗ ТАРИХИНИ УНУТГАН МИЛЛАТНИНГ КЕЛАЖАГИ ЙЎҚ

**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари ташаббуси билан шаҳар Кенгаши сессиясида пойтахтдаги маданий мерос объектларини сақлаш, қайта тиклаш ҳамда Тошкентда туризмни янада ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.**

Шунингдек, сессияда туну кун ишлайдиган истироҳат боғларида жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича мажбурий талабларни белгилаш масаласи ҳам муҳокама қилиниб, бу бўйича масъуллар ҳисоботи ҳам эшитилди.

Қизғин муҳокамалардан кейин айрим маданий мерос объектларини таъмирлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш ва бунинг учун зарур маблағ ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Маълумки, 2018 йилда «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан мамлакатимиздаги барча моддий маданий мерос объектлари хатловдан ўтказилган, рўйхат янги номлар билан тўлдирилиб, Тошкент шаҳрида жами 354 та маданий мерос объекти ҳисобга олинган эди.

Яқинда эса партиянинг Тошкент шаҳар ва туман Кенгашлари вакиллари ва депутатларидан иборат 30 кишилик гуруҳ томонидан 10 та маданий мерос объекти ва 6 та истироҳат боғи фаолияти ўрганилди.

Ўрганишлар натижасида таъмирга муҳтож ва ободонлаштириш зарур бўлган бир неча объектлар аниқланиб, шаҳар Кенгаши сессиясига киритилди.

– Келажак авлод вакилларининг маънавий дунёсини бойитиш, қадриятларимиз ва ўзлигимизни англашга хизмат қилувчи маданий мерос объектларини сақлаш ва келгуси авлодларга бекаму кўст етказиш ҳар биримизнинг ватанпарварлик бурчимизга айланмоғи лозим, – дейди партия Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, пойтахт депутатлик гуруҳи раҳбари Отабек Жиянбаев. – Зеро, ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг эса келажаги йўқ.

**Лайло МУҲИТДИНОВА, партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши бош мутахассиси**



milliy tiklanish
ижтимоий-сиёсий газетаси



Чоршанба
13 октябрь, 2021
№ 36 (1138)

# ЖАҲОНШУМУЛ КИНО АНЖУМАН










Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент кинофестивали илк бор 1968 йилда «Тинчлик, ижтимоий тараққиёт ва халқлар дўстлиги учун» шиори остида ўтказилган эди. Ўша йили дунёнинг 22 мамлакатидан таниқли кинопродюссерлар, режиссёрлар ва кино юлдузлари иштирок этган, 50 га яқин картиналар намойиш қилинган. Ушбу кинофестиваль 1988 йилга қадар мунтазам равишда ўтказиб келинган, Совет иттифоқи парчаланганидан сўнг, фестиваль мамлакатимизда фақат 1992 ва 1997 йилларда ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 19 июндаги қарорига мувофиқ, 1968 – 1997 йиллар давомида Ўзбекистонда ўтказилиб келинган «Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент халқаро кинофестивали» «Ипак йўли дурдонаси» Тошкент халқаро кинофестивали номи билан қайта тикланди, ушбу санъат анжуманини ҳар йили сентябрь-октябрь ойларида Тошкент шаҳрида ўтказиш белгиланди.

> «Туркия ва Ўзбекистон ўртасида муштарак жиҳатлар жуда кўп. «Мен Онадўлида, Туркияда нимани кўрган бўлсам, Ўзбекистонда ҳам шуни топа оламан. Тилимиз, урф-одатларимиз, эътиқодимиз бир...».

«Ипак йўли дурдонаси» халқаро кинофестивалининг тантанали очилиш маросими Алишер Навоий номидаги кино саройида бўлиб ўтди. Кино мажмуаси ҳудудида фильмларни намойиш қилиш учун 10 та кинозал, шунингдек, фильмларнинг премьерасини ўтказишга мўлжалланган 1890 ўринли катта кино ва концерт зали мавжуд. Бугунги кунга келиб кинотеатрда кенг кўламли реконструкция ишлари олиб борилди. Бино замонавий, юқори технологияли ускуналар билан жиҳозланди.

Иштирокчилар ва меҳмонлар бу ерда яқинда очилган Кино тарихи музейи билан ҳам танишишди. Музейда ўзбек кинематографиясининг 100 йилликдан зиёд тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи нодир экспонатлар, фотосуратлар, кинотасмалар, либослар, қўлёзмалар, машҳур фильмларнинг афишалари ўрин олган.

Очилиш маросимида 355 нафар хорижлик киноижодкор ва дунёнинг 55 нафар таниқли кино юлдузлари иштирок этишди.

Тадбирда хориж мусиқасининг атоқли вакиллари Россия халқ артисти Филипп Киркоров, турк мусиқасининг машҳур юлдузларидан бири Сердар Ортач, тожикистоник хонанда Хужастаи Мирзовали ва бошқалар ижросидаги куй-қўшиқлар янгради.

«Жаҳон киноси кунлари» ҳам катта тантаналар билан бошланди. Ҳар бир мамлакат киноси кунларининг очилиши катта байрамга айланиб кетди. Пойтахтимизнинг турли маданият муассасалари – «Ўзбекистон» анжуманлар саройи, Республика Киночилар уйи, Ўзбекистон Миллий академик драма театри, Муқимий номидаги мусиқали драма театри, Республика Қўғирчоқ театри, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри, Республика Ёшлар театри сингари 10 га яқин маданият ва санъат масканларида кинофестиваль иштирокчилари, миллий ва хорижий кино юлдузлари, мухлис ва мутахассислар иштирок этди.

Кинофестиваль доирасида мамлакатимиз бўйлаб 14 та мамлакат – Озарбайжон, Беларусь, Миср, Исроил, Ҳиндистон, Италия, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Польша, Россия, Тожикистон, Туркия, Ўзбекистон киноижодкорлари иштирокида «Жаҳон киноси кунлари» ўтказилди. Мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган тадбирларда 150 нафардан ортиқ хорижий киноижодкорлар иштирок этдилар.

Ўзбекистонда кинематография соҳаси учун юқори малакали ижодий кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, етакчи хорижий олий таълим ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2018 йил 19 октябрда Ўзбекистон ва Россия ҳукуматлари ўртасида «Ўзбекистон Республикасида Россия Федерациясининг олий таълим бўйича таълим муассасалари филиалларини ташкил этиш ва уларнинг фаолият юритиши тўғрисида» битим имзоланган эди.

Мамлакатимиз тарихида илк бор кинематография йўналишида мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрти ўз фаолиятини бошламоқда. Жорий ўқув йилида мазкур институтида 30 нафар талаба таълим олишни бошлайди.

Кинофестиваль доирасида санъат ва маданият йўналишидаги олий ўқув юртлари иштирокида «Кино соҳасидаги таълимнинг долзарб масалалари ва истиқболлари» мавзусидаги I Халқаро конференция ўтказилди. Унда дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатидан кино йўналишида таълим бериладиган ОТМ ректорлари ва мутасаддилари иштирок этди. Унда бугунги кунда кино таълимидаги муаммолар, таълим методологияси, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, талабалар ва магистрантларнинг билим ва малакасини ошириш, янги ўқув қўлланмаларини яратиш сингари масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Кинофестиваль дастуридан ўрин олган «Марказий Осиё мамлакатлари киноси кунлари» ҳамда шу муносабат билан ўтказиладиган киноконференция минтақавий маданий ҳамкорликни ривожлантиришда янгича босқич бўлди. Кинофестиваль доирасида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон кино ташкилотларининг мутасаддилари иштирокида музокаралар ўтказилди. Ҳамкорлик бўйича бир қатор меморандумлар имзоланди. Тожик, қозоқ, қирғиз, туркман киноижодкорлари томонидан сўнгги йилларда яратилган бадиий, ҳужжатли ва анимацион фильмлар юртимиз экранларида намойиш қилинди.

Кинематография тарихида ҳужжатли кино муҳим ўрин тутади. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги қошида Ҳужжатли ва хроникал фильмлар студияси фаолият кўрсатмоқда. Кинофестиваль доирасида 11 мамлакатдан келган 40 нафар ҳужжатли кино усталари иштирокида «Ҳужжатли кино кунлари» ҳам ўтказилди. Улар иштирокида давра суҳбатлари, маҳорат дарслари, турли мамлакатларда яратилган 25 та ҳужжатли фильм намойиш қилинди.

Кинематографиянинг энг муҳим масалаларидан яна бири яратилган киноасарларни сақлаш ва кейинги авлодларга ҳам етказишдир. Айни пайтга қадар Ўзбекистон Миллий кино фонди ўз биносига эга эмасди. «Ўзбеккино» Миллий агентлигида етарлича шароитлар бўлмагани учун жуда кўп тарихий тасмалар Ўзбекистон Миллий архивига топширилган эди. Мазкур санъат анжумани доирасида Ўзбекистон кино фонди ҳам ўзининг алоҳида биносига эга бўлди. Бинонинг очилиш маросимида кўпгина маҳаллий ва хорижий киноижодкорлар иштирок этишди.

Турли мамлакатлардан ташриф буюрган таниқли кино арбоблари, кинорежиссёрлар ва операторлар, актёрлар ва кинотанқидчилар кинофестиваль кунлари Янги Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлар билан яқиндан танишишди. Улар ўз таассуротларини ўртоқлашишди.

«Биринчи марта Тошкентга ҳамкорликда фильм ишлаш учун келгандим, бир ой давомида бу ерда яшаганмиз, аммо мамлакат билан яқиндан танишиш имкони бўлмаган, – дейди ҳиндистонлик киноактёр ва продюссер Митхун Чакраборти. – Тошкентга келиб, ҳайратимни беркита олмадим. Аэропортнинг ўзидаёқ улкан ўзгаришларни кўриб, худдики, ўзимни Европага келиб қолгандек ҳис қилдим.

«Мен дунёнинг турли мамлакатларидаги кинематографистлар қатори машҳур ва афсонавий кинофестивалнинг қайта тиклангани учун Ўзбекистон Республикаси раҳбариятидан жуда миннатдорман! – дейди америкалик кинорежиссёр Стивен Сигал. – Дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган таниқли кино намояндалари иштирокидаги мазкур кинофестиваль жуда катта миқёсли воқеага айланишига ишонаман!».

Туркиялик ҳужжатли кино устаси Ҳусейн Ўзденнинг фикрича, «Туркия ва Ўзбекистон ўртасида муштарак жиҳатлар жуда кўп. «Мен Онадўлида, Туркияда нимани кўрган бўлсам, Ўзбекистонда ҳам шуни топа оламан. Тилимиз, урф-одатларимиз, эътиқодимиз бир. Ўзбекистондаги бу галги ташрифим асносида жуда катта ўзгаришларга гувоҳ бўлдим. Биргина Тошкент халқаро кинофестивалининг қайта тикланиши ҳам Янги Ўзбекистоннинг ютуқларидан бири, деб бемалол айтиши мумкин», – деди у.

«Мен яна қуёшли Ўзбекистонга келганимдан хурсандман, – дейди Россия Халқ артисти Филипп Киркоров. – Ўзбек халқини, унинг меҳмондўстлигини ҳамиша қадрлайман. Бу гал Тошкент мени бошқача қарши олмоқда. Ўзбекистон ҳукумати маданий соҳаларга, хусусан кинематографияга катта эътибор қаратаётганидан бениҳоя мамнунман. Кинофестиваль энди бошланмоқда. Умид қиламизки, ушбу кинофестиваль Янги Ўзбекистоннинг янги ўзгаришларини намоён этишда катта аҳамият касб этади».

«Ўзбек халқи жуда ҳам меҳмондўст, – дейди беларуслик ҳужжатли кино устаси Галина Валентинова. – Ўзбек кино санъати эса, менга яхши таниш. Турли давлатлардан Ўзбекистонга келган ҳамкасбларим билан мулоқот қилиш имконияти менда мавжудлигидан жуда хурсандман. Мен Янги Ўзбекистондаги ўзгаришларни ўз кўзим билан кўриш бахтига муяссар бўлдим. Хусусан, Хивани кўриш, у ерда илк ўзбек киночиси Худойберган Девонов музейига боришга муваффақ бўлдим. Урганчда эса янги кинотеатр очилишида иштирок этдик. Юртингизда кино санъати ривожи учун шароитлар яратиб берилаётганини кўриб турибмиз. Очиғи, Ўзбекистонда кейинги йилларда бунчалик кўп ўзгаришлар рўй берганини тасаввуримга ҳам сиғдира олмагандим. Ўзгаришларни кўриб ҳа, бу – Янги Ўзбекистон, деб бемалол айтишим мумкин».



«Шахсан халқларимизни биродар деб ҳисоблаганим учун ўхшашликлар кинода ҳам, ҳаётда ҳам яққол акс этади, – дейди ҳиндистонлик актёр ва продюссер Санжай Гупта. – Биз санъатсевар ҳиндлар каби сизларда ҳам кинога ўзгача меҳр бор. Менимча, фарқдан кўра ўхшашликлар кўп.Ўзбекистонга биринчи бор келишим. Бу мамлакатни ўзим кашф қилмоқчиман.Албатта, фестиваль орқали юртингиз билан яқиндан танишаман деган умиддаман. Чунки Ўзбекистон кейинги йилларда жаҳон ахборот ленталарида жуда тез-тез тилга олинмоқда. Демак, юртингизда ўзгаришлар кўп, янгиланишлар бисёр. Кинофестиваль ҳам соҳа ривожига, ҳам халқлар дўстлиги ва баҳамжиҳатлигига катта ҳисса қўшади».

«Ипак йўли дурдонаси» кинофестивалининг асосий мақсадларидан бири ёш киноижокорлар ва жаҳоннинг машҳур кино усталари ўртасида мустаҳкам кўприк яратиш, ёшларимизнинг билими, тажрибаси ва дунёқарашини ривожлантириш саналади.

Шу боис, фестиваль давомида дунёнинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган таниқли киноижодкорлар, жаҳон киносининг атоқли намояндалари иштирокида ўтган 30 га яқин маҳорат дарсларида 300 нафардан ортиқ ёш киноижодкорлар, шу йўналишда таҳсил олаётган талабалар иштирок этишди.

Кинофестиваль доирасида Франко Неро, Никита Михалков, Митхун Чакраборти, Волтер Афанасьев, Павел Прилучный, Равшана Куркова, Алексей Чадов, Игорь Жижикин, Евгений Кулик Роб Минкофф, Люк Бессон, Тимур Бикмамбетов, Жерар Депардье, Умеш Меҳра, Ҳусейн Ўзден, Стивен Сигал, Фарҳод Маҳмудов, Юсуф Розиқов сингари 20 нафар кино усталари «Ўзбекфильм» павильонларида ёш ўзбек киноижодкорлари учун жами 25 та маҳорат дарслари (айрим иштирокчилар икки ёки уч мартада) ўтишди.

Мазкур дарслар давомида хорижий кино усталари ўз устида ишлаш сирлари, касбий маҳорат, аудитория билан ишлаш, мавзу танлаш, сценарий ёзиш, режиссёрлик, операторлик, актёрлик маҳорати сингари йўналишларда ёш йигит-қизларга сабоқ беришди.

Ёшлар кино соҳасида ўзларини қизиқтирган турли саволларга жавоблар олишди. Хорижлик машҳур кино юлдузлари ўз фаолиятлари билан боғлиқ энг қизиқарли воқеаларни, ҳаётий тажрибаларини сўзлаб беришди.

Машҳур инсонлар, ўз соҳасининг етакчи вакиллари иштирокида ўтган бундай машғулотлар келгусида ёшларимизнинг билим ва тажрибаси, малака ва кўникмаларини оширишда катта аҳамият касб этади.

Маълумки, ўтган асрда ўзбек кинематографистлари яратилган юзлаб сара асарларнинг асл, сифатли нусхалари бугунги Россия Кино фондида сақланади. Ўзбекистон Кинематография



Бу хусусда отада айб йўқ, чунки бу бечорани эътиқодида болани ўқутмоқ ёлғиз нақд ва насия ёздурмоқдин иборатдур. Муаллимда ҳам айб йўқ, чунки бу зикр қилинғон улуми заруриярларни бечора муаллимнинг ўзи билмас, балки баъзиларини исмини ҳам эшитган эмас. Бечора на қилсун?

# МИЛЛАТ РУҲИ

агентлиги томонидан Россия Давлат кино фондидан рақамли форматда олиб келинган 100 та ўзбек мультфильмини Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигига тақдим этиш маросими ҳам бўлиб ўтди. Унда Мактабгача таълим вазири Агреппина Шин иштирок этди.

Тошкент кинофестивали давомида хорижлик ва маҳаллий кинокомпаниялар, киностудиялар ва телекомпаниялар иштирокида кинобозор ташкил қилиш, уларнинг фильмлар, сериаллар ва бошқа аудиовизуал маҳсулотларни ўзаро алмашиши, харид қилиши ва сотишига кўмаклашиш, энг сўнгги инновацион лойиҳалар тақдимотларини ўтказиш, мамлакатимиз кинолокацияларини намойиш этилди.

Шунингдек, Umovie Ўзбекистон Республикаси Кинематография агенлиги ҳамкорлигида юртимиздаги биринчи онлайн кинотеатр лойиҳаси ишга туширилди. Айни пайтда платформада 100 дан ортиқ бадиий ва ҳужжатли фильмлар, шунингдек, ўзбек ва рус тилларидаги мультфильмларни юқори сифатда томоша қилиш мумкин.

Анжуман давомида «Ўзбекистон кинематографияси» ноёб китоб-альбомининг тақдимоти бўлиб ўтди. Китоб ноёб архив суратлари, ўзбек киноси тарихига оид қимматли маълумотларни ўз ичига олади. Ўзбек, инглиз ва рус тилларида нашр қилинган ушбу китоб бир гуруҳ ўзбек киносининг билимдон мутахассислари, таниқли киношунос олимлар, миллий кино арбоблар ва хорижлик мутахассислар ёрдамида яратилган.

Фестивалнинг тантанали ёпилиши маросими 3 октябрь куни Тошкент шаҳридаги «Renessans Hall» мажмуасида бўлиб ўтди.

Россиялик машҳур кинопродюссер, халқаро ҳакамлар ҳайъати аъзоси Тимур Бекмамбетов Кинофестиваль иштирокчиларининг Ўзбекистон Республикаси Президентига йўллаган Мурожаатномасини ўқиб эшиттирди.

Мурожаатномада жумладан шундай дейилади:

«22 давлатнинг ёш киноижодкорлари иштирокида ўтган «Кино 5 кунда» танловининг ўтказилгани ҳам фикримизни яққол исботлайди.

Биз, соҳа вакиллари сифатида кино саноати ва санъатига юксак эътиборингиз, яқинда 100 йиллигини нишонлайдиган «Ўзбекфильм»нинг янги қиёфаси, унинг техник таъминоти, янгиланган Республика Киночилар уйи ҳамда Кино санъати музейининг фойдаланишга топширилиши, Бутунроссия давлат кинематография институти филиалининг очилиши, миллий кино фондининг тиклангани ва ўзбек киноси дурдоналарининг асл нусхалари ватанига қайтгани муносабати билан самимий миннатдорлик билдирамиз.

Алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистонда бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликда кинолойиҳалар амалга ошириш борасидаги эзгу анъаналар ҳам қайта тикланди. Биргина ушбу форумда кинематография соҳасидаги халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга катта турткি берадиган 10 та муҳим ҳужжат имзоланди.

Ушбу кинофестиваль жаҳон кино саноати вакилларига ўзбек киносининг энг сара намуналари ва ўзбек киноижодкорлари билан яқиндан танишиш имконини берди. Байрам доирасида 50 дан ортиқ тадбирлар, учрашувлар, давра суҳбатлари, конференциялар, тақдимотлар, ўтказилди, юздан ортиқ фильмлар намойиш қилинди.

Биз бетакрор Ўзбекистон заминида Ўн тўртинчи кинофестиваль ҳам юқори даражада ўтишига ишонамиз ва сабрсизлик билан кутамиз! Ўз навбатида биз ҳам Ўзбекистонлик томошабинларни янги санъат асарлари билан қувонтиришга, ёш киноижодкорларнинг янги номларини кашф этишга ҳаракат қиламиз».

Шундан сўнг, кинофестиваль иштирокчилари ва ғолибларини тақдирлаш маросими бошланди. Мукофотларни топшириш тантанали тарзда амалга оширилди.

Ҳар бир номинация бўйича ғолибларга эсдалик совғалари, пул мукофотлари топширилди.

«Кино беш кунда» танлови бўйича германиялик ёш киноижодкорлар Дэниел Асади Фаэзи ҳамда Мила Жлутенко суратга олган «Қирғоқ» бадиий фильми «Экологик муаммоларнинг ёркин ифодаси учун» номинациясида ғолиб деб топилди. «Лариса» фильмини суратга олган эстониялик режисссёр Надия Тушка «Оилавий қадриятлар ифодаси учун» номинациясида мукофотланди.

«Маърифат ва тараққиёт» номинациясида «Қаҳрамонлик сари» фильми муаллифи, озарбойжонлик режиссёр Мурод Ҳусаинов тақдирланди.

«Энг яхши эркак роли» учун ҳамюртимиз Турсунбой Пиржонов, «Энг яхши аёл роли» учун ҳам ўзбекистонлик Мадина Маҳмудова тақдирланди.

Танлов натижаларига кўра, 1-ўрин ва 15 минг АҚШ доллари миқдоридаги пул мукофоти ўзбекистонлик Шерзод Ҳасановга, 2-ўрин ва 10 минг АҚШ доллари жанубий кореялик Пак Су Минга, 3-ўрин ва 7 минг АҚШ доллари яна бир ҳамюртимиз Саидаъло Мақсудхоновга насиб этди.

«Янги авлод киноси» танловида эса, «Энг яхши эркак роли» учун тожикистонлик Абдукарим Машраб, «Энг яхши аёл роли учун» «Франка» фильми бош роль ижрочиси Мария Поддубна лойиқ кўрилди. Мазкур фильминг режиссёри Дмитрий Семёнов «Энг яхши режиссёрлик иши учун» мукофотини қўлга киритди. Тожикистонлик Манзарали Шерали томонидан суратга олинган «Юк» бадиий фильми танловнинг энг яхши фильми деб топилди. Мукофотларни франциялик машҳур актёр Жерар Депардье, машҳур кинорежиссёрлар Люк Бессон, Тимур Бекмамбетов, Қозоғистон Республикаси Маданият вазири Ақтоти Раймқулова ва бошқалар тантанали равишда топширишди.

Шундай қилиб, жаҳоншумул аҳамият касб этган киноанжуман якунланди. Ундан олинган таассуротлар эса миллионлар қалбига узоқ вақт нурли зиёлар сочиб туради.

**ЎзА**



# Бизни жаҳолат – жаҳли мураккаб

**Ҳар миллатнинг мактаб ва мадрасаси ўлдиғи каби, бизни ҳам мактаб-мадрасаларимиз гарчи бенизом ва беусул ўлса ҳам, йўқ демак даражада оз эмас.**

Ҳар миллат авлодини тарбиялаш ва таълими улумда кўрсатган ҳиммат ва ғайрати каби бизларда ҳам ўз маъсум авлодларини жаҳолат ва ғафлат зулматида қолмоқиға ҳеч бир ризолари ўлмай, қўлларидан келганча таълим ва тарбияти авлодда қусурлик кўрсатмакчи зотлар мавжуддирлар.

> Мани сўзимдан Фузулий, Навоий, Хўжа Ҳофиз, Бедиллар каби улуғ зотларни таҳқир қилди, деб гумон қилинмасун.

Ва лекин дунёға нима учун келгонини билмай, илм ва маорифға асло рағбат қилмай, жонидин ширин болаларини кўча-бакўча кездириб, бечора маъсумнинг азиз умрини жаҳолат оташина ёндирғувчи беҳамият ва бедиёнат оталар ҳам орамизда оз эмасдур. Кўп диндошларимизни кўрармизки, ўз фарзандларини асло мактабға бермай орқаларидин эргаштириб, руслар эшигида ўзлари каби хизматчиликка ўргатиб, дунё ва охиратнинг саодати ўлгон илм ва маорифдин маҳрум қўймоқдин ҳеч бир ибо қилмаслар. Баъзи азизларимиз бордурки, ўғлини қўлидин тутиб мактабга олиб борур. Муаллимдан толиб қилурға: «Тақсир, шу ўғлимни гўшти сизники устихони бизники, бир илож қилиб, тезлик ила нақд ва насия ёзмоқни ўргатиб берурсиз», дер. «Эшагига яраша тушови» деган ўзбек мақолича, муаллимлар ҳам аксарлари қонуни таълим-тарбиядин бутун-бутун бехабар кишилар ўлуб, балки ўқув ва ёзувни ҳам лозиминча билмасликлари важҳидан бечора маъсумаларни истеъдоди зотиясиға наззора икки йил зарфида жамиъ лавозумоти динияни билдирмоқ мумкин ўлгон ҳолда, тўрт-беш йилғача ҳижжа усули бирла дунё ва охиратга фойдаси бўлмағон Фузулий, Навоий, Хўжа Ҳофиз ва Бедил каби мушкул манзума китобларға умри азизини барбод этарлар.

Эй ватандошлар! Диққат назари ила боқинг! Бир болани мактабға бермакдан мақсуди вожибот диниямиз ўлгон илми қироат, масоили эътиқодия, фарз, вожиб, суннат мустаҳаб, ҳаром, макруҳ, намоз ва рўза, ҳаж ва закотларни ҳам заруроти дунявиямиз ўлгон илми ҳисоб, жуғрофия, таворих, хусусан, «Тарихи Ислом» каби фойдалик илмларни билдурмоқ ўлгон ҳолда жоҳил домлаларнинг «таълими фалоний, қоши қаро, қаро кўзи, қаро юзи, оҳ, сўзи ширин», деб болаларни фасод ахлоқиға биринчи сабаб ўладурғон манзума китоблар ўлмиш.

Бу хусусда отада айб йўқ, чунки бу бечорани эътиқодида болани ўқутмоқ ёлғиз нақд ва насия ёздурмоқдин иборатдур. Муаллимда ҳам айб йўқ, чунки бу зикр қилинғон улуми заруриярларни бечора муаллимнинг ўзи билмас, балки баъзиларини исмини ҳам эшитган эмас. Бечора на қилсун? Ночор, бефойда бўлса ҳам мактабларда болаларга ўқитгудек булардан бошқа бир китоб топилмағон замонларда ўзи ўқиб, билган китоблари шу китоблар ўлдиғи чун эски ўрунларда эски тушларин кўрмакдадурлар. Мани сўзимдан Фузулий, Навоий, Хўжа Ҳофиз, Бедиллар каби улуғ зотларни таҳқир қилди, деб гумон қилинмасун. Чунки мани ғаразим бу китобларни зотан бефойда демак эмас, балки ёш болаларға бу китобларнинг таълими бефойда, демакдир. Мисола бир болага Фузулий ўрнига илми қироат, Навоий ўрнига масоили эътиқодия, Хўжа Ҳофиз жойига масоили амалиёт, Бедил бадалиға илми ҳисоб ўқитилса, дин ва дунёси учун қанча фойдалар хосил қилиб, мусулмон ўлур. Билъакс, бу китобларнинг ўзи ўқитулғон ҳолда бу фойдалардин маҳрум қолиб, балки фасод ахлоққа мубтало ўлмоғи ҳам эҳтимолдир. Чунки бу китобларни тасниф қилғон зотлар Оллоҳ таолийға қурбат пайдо қилғон кишилар ўлгонлари учун айтган сўзларининг зоҳири шариатга мухолиф ўлса ҳам, ҳақиқати мувофиқдир. Чунончи мавлоно Фузулий дерки, фард:

*Санамлар саждасидур бизда*
*тоат тангри-чун, зоҳид,*
*Киши кўрсанг сен, ўз динингда*
*таклифи намоз айла.*

Ёки

*Хўблар мехроби абрўсина майл*
*этмаз фақиҳ,*
*Ўлса кофирдур, мусулмонлар,*
*анго қилманг намоз.*

Мавлоно Ҳофиз дерки:

*Май нўшки, умри жовидоний*
*ин аст,*
*Кайфияти рўзгори фоний*
*ин аст.*
*Ҳангоми гулу, лолау ёрон*
*сармаст,*
*Хушбош, дамеки,*
*зиндагоний ин аст.*

Бу каби сўзларнинг зоҳирий мухолифи китоб, суннат бўлса ҳам, ҳақиқати бир бошқадир. Аммо ёш болалар, шубҳа йўқдурки, буни ҳақиқатда билмаслар. Балки ўқитган муаллимлари ҳам билмаслар. Ночор зоҳири ила амал қилиб, фасод ахлоқға мубтало бўлмоқ хавфи бордур.

**Мунаввар Қори АБДУРАШИДХОН,**
*«Тараққий» газетаси, 1906 йил, 14 июн*

# Ўн фоиз аҳолисини ҳам коронавирусга қарши эмлай олмаган давлатлар қайсилар?

**БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш ва ЖССТ раҳбари Тедрос Гебрейесус томонидан аҳолини "COVID-19" вирусига қарши глобал эмлаш стратегияси тақдим этилди. Стратегиянинг мақсади йил охирига бориб барча давлатлар аҳолисининг 40 фоизини, кейинги йилнинг ўртасига бориб эса 70 фоизини эмлашдир.**




Мазкур икки йирик халқаро ташкилот мутасаддилари ривожланган давлатларга қолоқ давлатлар билан вакцинани бўлишиш ва ишлаб чиқариш суръатларини ўстиришни тавсия этмоқда. Бундай ёндашув пандемияни тўхтатиш ва вируснинг бундан кейинги мутациясини тўхтатиш имконини беради.

Гутерриш Глобал эмлаш режасини амалга ошириш Фавқулодда ҳолат бўйича мақсадли гуруҳга топширилганлигини эслатиб ўтди. Мазкур гуруҳ вакцина ишлаб чиқараётган давлатлар, ЖССТ, COVAX бўйича ҳамкорлар ва халқаро молиявий ташкилотларни ўз ичига олган. Фавқулодда ҳолат бўйича мақсадли гуруҳ вакциналарнинг етарли даражада дозаларда ишлаб чиқарилиши ва уларни адолатли тарзда тақсимланишини таъминлаб бериши лозим.

– Ҳозирги кунда бундай тақсимланиш мавжуд эмас, – деди БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш. – Вакциналарни эҳтиёжманд давлатларга етказиш ўрнига ишлаб чиқарувчилар дозаларни йиғиш билан овора. Кўпгина глобал, маҳаллий ва икки томонли ташаббуслар кутилганидек натижа бермади. Дастлабки вазифа бажарилмади: 56 та давлат 10 фоиз аҳолисини ҳам эмлай олмади. Уларнинг кўпчилиги Африка ва Яқин Шарқ давлатларидир.

Янги режага асосан, ишлаб чиқаришни икки карра кўпайтириш ва вакциналар COVAX орқали адолатли тақсимланишини таъминлаш зарур. БМТ раҳбари ва ЖССТ Бош директори бу режа кўп одамлар ҳаётини сақлаб қолиши, ижтимоий-иқтисодий фаолликни қайта тиклаши, шунингдек, коронавируснинг янги хавфли вариантлари пайдо бўлиши хавфини камайтиришига ишонч билдирдилар.

**Моҳигул ҚОСИМОВА, ЎзА**

Эълон

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани 250-сонли умумий ўрта таълим мактабини 2019-2020 ўқув йилида битирган Саматова Муҳлиса Хусниддиновна номига берилган **UM №0729251** рақамли **АТТЕСТАТ** йўқолганлиги сабабли **БЕКОР** қилинади.

ОБУНА – 2022
«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БОШЛАНДИ!
Обуна индекси 158




# «ЭЛДОР МЕНИ ЙИҒЛАТДИ. МОУРИНЬОДАН УНИ ҚАТТИҚ УРИШМАСЛИГИНИ СЎРАЙМАН!»

**Европа ва Осиё минтақасидаги футбол мавсумларини ёритишга ихтисослашган www.eurasianet.org сайти ўзбек футболининг фахрига айланган Элдор Шомуродов ҳақида ажойиб мақола эълон қилибди. Унда Европанинг энг кучли лигаларида ўз маҳоратини кўрсатаётган Шомуродов кўплаб ўзбекистонлик ёш футболчиларга илҳом бағишлаётгани алоҳида тилга олинган. Мазкур сайт ижодкорлари мақола тайёрлаш жараёнида Элдорнинг оила аъзолари билан ҳам боғланишибди...**



Ҳадича Шомуродова суҳбат чоғида ўз ҳаяжони ва қувончини яшира олмади, – деб ёзади Eurasianet.org сайти.

18 август куни Ҳадича Шомуродова таваллуд айёмини нишонлаётган пайтда набираси Элдор УЕФА Конференциялар лигаси саралаш босқичида «Рома»даги биринчи расмий учрашувида «Трабзонспор» дарвозасига илк голини уради.

Аслида тўпурарлардан учрашувдан кейин интервью олиш анча зерикарли иш. Улар, одатда, сийқаси чиқиб кетган гапларни такрорлайдилар, холос. Лекин 26 ёшли Элдор барча стереотипларни четга суриб, журналистга ҳали тўлиқ ўзлаштирилмаган итальян тилида ўз голини севимли бувисининг туғилган кунига бағишлаганини айтади.

– Мен жуда хурсанд бўлдим ва бахтдан йиғлаб юбордим. Мен унинг нималар деганини тушунмадим, фақат қулоғимга мен яхши кўрган ва соғинган овоз кирди, холос, – дейди Ҳадича Шомуродова.

Кейинроқ, унинг фикру хаёли бувиларга хос меҳрибонлик билан йўғрилди.

– Базўр, «раҳмат Элдор», – дедиму, кейин қўшимча қилдим: «Бир неча бор йиқилдинг, ҳаммаси жойида, деб ўйлайман».

Қайсидир футболчининг йиқилганини кўрсам, юрагим ачишади. Элдор йиқилса ўзимга-ўзим: «Ўрнингдан тур, болам, дейман», – дейди Ҳадича она.

Ҳадича Шомуродова футболчилар оиласининг энг ёши улуғ кайвониси. Шу боис, у ўзи томоша қилган учрашувлар саноғини чалкаштириб юборган. Лекин Элдорнинг ўйинларини бошқалари билан тенглаштириб бўлмайди. У Шомуродовлар сулоласида биринчи бўлиб, Европа футболига ёриб кирди.

Бувининг жароҳатлардан чўчиб қолгани бежиз эмас.

Ҳадича онанинг ўғли, Элдорнинг отаси Азамат Шомуродов 1990 йилларда маҳаллий «Сурхон» жамоаси сафида Сурхондарё шарафини ҳимоя қилган. Аммо оғир жароҳат туфайли спортдан кетишга мажбур бўлган.

Ўзининг келажаги армонга айланганидан кейин Азамат Шомуродов бор эътиборини ўғилларининг профессионал футбол лигаларида ўйнаб, орзусини рўёбга чиқаришига қаратади.

Тўнғич ўғил Санжар 40 ёшда, 2008-2013 йиллар давомида Қашқадарё вилоятининг «Шўртан» жамоасида ўйнаган. Лекин фаолиятини бирдан тўхтатган.

– 2013 йили машғулотлар чоғида пайим чўзилиб қолди. Тўрт йил даволанишимга тўғри келди. 2017 йили «Сурхон» сафида катта футболга қайтдим. Бир йил ўйнаганимдан кейин, яна фаолиятимни тўхтатишга мажбур бўлдим, – дейди Санжар.

Айни пайтда Санжар Шомуродов Сурхондарё футбол федерациясига етакчилик қиляпти. У укаси билан фахрланади.

– Мен укам Элдорга чин дилдан ҳавас қиламан. Ҳар ҳолда, орамиздан бир киши Европа футболига қадам қўя олди. Бу оиламизнинг орзуси ва мақсади эди, – дейди Санжар.

Санжардан 14 ёш кичик бўлган Элдорни 11 ёшида Жарқўрғондан 300 километр узоқда жойлашган «Машъал» футбол мактабига беришади.

Жарқўрғон – Афғонистон чегарасидан 70 километр масофада жойлашган, 20 минг аҳолиси бўлган кичик шаҳарча. Ёзи иссиқ, ҳатто баъзан ҳарорат 50 даражагача кўтарилади.

Лекин буларнинг бари ҳозир иккинчи даражали нарсалар. Бугун бутун Жарқўрғон аҳлининг эътибори «Рома» клубига, унинг машҳур мураббийи Жозе Моуриньо ва албатта, Элдорга қаратилган.

– Элдор менга ўзбеклар ва итальянлар ўртасида кўп ўхшашликлар борлигини айтиб берди. Италияликлар ҳам ўзбеклар сингари сершовқин оилавий ўтиришлар ва миллий таомларини яхши кўришаркан. У бир неча итальянча таомлар номини айтдию, мен эслаб қололмадим, – дейди Ҳадича Шомуродова.

Шомуродов ҳар гал Ўзбекистонга келганида, биринчи навбатда, Термиздаги болалар уйини зиёрат қилади.

– Болалар уйида Элдорни доим кутишади. Укам совға-саломлар билан келади ва моддий ёрдам кўрсатади. Бундан ташқари, Термиз стадионида Элдорнинг мухлислари бўлган 300 нафардан зиёд ёш футболчилар учун мастер-класс кўрсатамиз, – дейди Санжар.

Европанинг энг кучли лигаларидан бирига кириб келган Элдор Шомуродовнинг ютуқлари ўзбекистонлик ёш футболчиларнинг катта иштиёқига сабаб бўлмоқда, албатта. Хусусан, Элдор туфайли мамлакатдаги минглаб болалар футбол мактабларига ҳужжат топшира бошладилар.

– «Трабзонспор» билан учрашувдан кейин Элдор итальян тилини яхши билмаслиги сабабли Моуриньо билан мулоқотда қийинчилик борлигини айтганди. Мен набирам итальянчани тезроқ ўрганиб олишини орзу қиламан. Жозе Моуриньодан эса Элдорим итальянчани, албатта, ўрганиб олишини, унгача набирамни қаттиқ уришмай туришини сўрайман, – дейди Ҳадича Шомуродова.

*Манба sports.uz*



Мутолаа

## АҚШ кутубхоналари – билим манбаи



**АҚШ аҳолиси энг кўп ташриф буюрадиган маданий жой қандай? Кино? Театр? Спорт ўйинларини томоша қилиш? Концерт? Музей? Йўқ бу – кутубхона.**

Галлуп сўровномасига кўра, 2019 йилда ўртача АҚШликлар кутубхонага 10.5 маротаба борган бўлса, ташриф бўйича иккинчи ўринда турадиган кинотеатрларга эса 5.3 маротаба борибди. Энг қизиғи, бу даромад фарқига боғлиқ эмас экан, яъни даромад таснифидан қатъий назар кутубхонага одамлар қолган барча маданий ҳордиқ турларидан кўра кўпроқ боришар экан.
Яна бир бор қайтараман, кутубхоналар фақат китоб ўқийдиган бино эмас экан.
Кутубхоналар, айниқса, жамоат кутубхоналари – бу ҳақиқатан ҳам демократик макон ҳисобланиб, у ерда ҳамма қабул қилинади: ёши, жинси, қобилиятли, этник, диний, ва ижтимоий-иқтисодий келиб чиқишидан қатъий назар ҳамма нарса ҳамма учун эркин тақдим қилинадиган жой. Инглиз тилида ибора бор «leveling the playing field» деган, яъни ўйин майдонини барчага тенглаштириш. Жамоат кутубхоналари айнан мана шундай ролни ўйнайдилар, маълумотларга эга бўлиш имкониятини барчага тақдим этади, ўрганиш ва ўсиш учун тенг имкониятлар яратади.
Айтишингиз мумкин, XXI асрда жисмоний кутубхоналарга эҳтиёж қолмаган, ҳамма нарса электрон тарзда-ку деб. Адашасиз.
Айнан ўша интернетдан ҳам фойдаланиш, сиз айтаётган электрон китоблардан фойдаланиш имкониятини ҳам айнан кутубхоналар барчага тенглаштириб беради. Бунга сиз қўшилмаслигингиз мумкин, лекин кексалар, кам таъминланганлар, соғлиқ туфайли мобиллиги йўқ ва умуман ўша интернет/компьютер/планшетдан фойдаланиш имконияти, шароити йўқ аҳолини унутманг.

**В.ШОДИЕВА тайёрлади.**

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**
**Алишер ҚОДИРОВ – кенгаш раиси,**
**Акмал САИДОВ, Абдулазиз АККУЛОВ, Аброр ПЎЛАТОВ, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Минҳожиддин МИРЗО, Нодир МУХТОРОВ, Одилжон ТОЖИЕВ, Отабек ЖИЯНБОЕВ, Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Феруза МУҲАМЕДЖАНОВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Шерзодхон ҚУДРАТХЎЖА, Шавкат ШАРИПОВ, Шухратжон АХУНДЖАНОВ.**

**Бош муҳаррир:**
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**
Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларига қайтарилмайди.

**Навбатчи муҳаррир:**
Равшан МАҲМУДОВ
**Навбатчи:**
Вилоятхон ШОДИЕВА
**Дизайн гуруҳи:**
Маъмуржон ҚУДРАТОВ, Умид АРСЛОНБЕКОВ, Фирдавс ҲАМИДУЛЛАЕВ

Газета «SHARQ» нашриёти-матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
**Адади** – 24 939.
Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Қоғоз бичими:** 350x587. **Ҳажми:** 4 босма табоқ
Буюртма – 1016
Босишга топшириш вақти 21.00.
Топширилди 00:30

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**Қабулхона** (факс): (71) 232-12-03, +99897 755-10-11

**Электрон почта:**
mtiklanish@bk.ru / mtiklanish@mail.ru

**ISSN 2010-7714**

123456